XALQ DEPUTATLARI YANGIHAYOT TUMAN KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 31 - dekabr I-28-121-14-220-K/21 Yangihayot tuman hokimligi

2022 йил учун Янгиҳаёт туманининг маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Бюждет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонунига асосан халқ депутатлари Янгиҳаёт тумани Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) ҳамда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги VI-53-165-14-0-К/21-сонли қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад (якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган) солиғи;

жисмоний шахсларнинг мол-мулкларини ижарага беришдан оладиган даромад (ижара тўлови) солиғи;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ туман маҳаллий бюджетига тўлиқ хажмда ўтказилиши;

Шунингдек:

якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

айланмадан солиқ;

юридик шахслардан олинадиган мулк солиғи;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно) Тошкент шаҳар ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг “2022 йил учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан:

Янгиҳаёт туманининг маҳаллий бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари тасдиқланганлиги;

Бунда, ажратма меьёрлари бўйича шаҳар маҳаллий бюджети билан туман маҳаллий бюджетининг тақсимотини ўрнатилган тартибда туман Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши;

2022 йил учун Янгиҳаёт туман маҳаллий бюджетида йўл қўйиладиган айланма касса маблағларининг энг кам миқдори 314 694 минг.сўм этиб белгиланганлиги инобатга олинсин.

4. Қуйидагилар:

2022 йил учун Янгиҳаёт туманининг маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 1-иловага;

2022 йил учун ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун Янгиҳаёт туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажми 636 004,0 минг.сўм миқдорида тасдиқлансин.

Туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси маблағлари тегишли бюджетларда кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши инобатга олинсин.

6. Туман бюджетида шаклланган қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда туман Кенгаши томонидан туман ҳокимлиги таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтириш мақсадида қабул қилиниши кўрсатиб ўтилсин.

7. Туман ҳокимлиги ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин.

8. Туман Молия бўлими:

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар томонидан тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирилишини назоратга олсин;

туман бюджетининг қўшимча даромадларини 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирсин ва веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирсин.

9. Туман бюджети маблағларининг тақсимловчилари тегишли равишда бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини туман Кенгашига тақдим этилишини таъминласин.

10. Туман ҳокимлиги:

чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, Тошкент шаҳар ҳокимлигига харажатларни мақбуллаштириш

юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилсин;

бюджет даромадлари ва харажатларининг кўрсаткичлари бўйича бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши натижалари тўғрисида туман Кенгашга ахборот киритсин.

11. Мазкур қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгаши раиси **Х.Иногамов**

Халқ депутатлари Янгихаёт туман
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
I-28-121-14-220-К/21-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Янгиҳаёт туманининг маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Ажратма фоизи	Миқдори
	Даромадлар		**67 311 212,0**
1	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи		5 087 000,0
2	Жисмоний шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ		5 884 000,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)		1 127 000,0
4	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	10	2 104 000,0
5	Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	10	828 000,0
6	Айланмадан солиқ	28	3 465 000,0
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	100	2 994 000,0
8	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	83	21 311 000,0
9	Ижара тўловлари		171 000,0
10	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)		9 212 313,0
11	Мобил алоқага акциз солиғи		5 248 185,0
12	Тамаки маҳсулоти учун акциз солиғи		9 879 714,0

Халқ депутатлари Янгихаёт туман
Кенгашининг
2021 йил 31 декабрдаги
I-28-121-14-220-К/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Миқдори
	Харажатлар жами	**67 311 212,0**
	шу жумладан:	
1	Халқ таълими сохаси	4 238 202,0
2	Мактабгача таълим сохаси	5 692 625,0
3	Соғлиқни сақлаш сохаси	23 945 178,0
4	Тиббий-ижтимоий хизматлар учун харажатлар	62 400,0
5	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	657 611,0
6	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	5 162 003,0
7	Ижтимоий кўникма маркази	115 215,0
8	Ободонлаштириш сохаси	9 316 694,0
9	Маҳаллий бюджетларда ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун	1 082 731,0
10	Давлат бошқарув органларини сақлаш	7 685 383,0
11	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш	5 542 407,0
12	Захира жамғармаси	636 004,0
13	Фуқаролар ташаббуси жамғармаси	3 174 759,0